

Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси томонидан 2024 йилда амалга  
оширилган фаолият тўғрисида

МАЪЛУМОТ

**БАКАЛАВРИАТ**

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб бакалавриатда таълимнинг кундузги шаклида **“Тергов фаолияти”** ва **“Прокурорлик фаолияти”** шунингдек, **“Прокурорлик фаолияти”** сиртқи таълим йўналишларида **ўзбек** ва **рус тилларида** ўқиш ташкил этилиб, жами **1 017** нафар талаба таҳсил олмоқда.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.01.2024 йилдаги **“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПФ-1-сон Фармони ижроси бўйича Мажбурий ижро бюросининг ўрта махсус маълумотли амалдаги **51** нафар давлат ижрочиси бакалавриатнинг **“Прокурорлик фаолияти”** йўналиши сиртқи таълим шаклига қабул қилинди.

**2023/2024** ўқув йилида:

Бакалавриатнинг **“Тергов фаолияти”** (ҳарбийлаштирилган ва ҳарбийлаштирилмаган) ҳамда **“Прокурорлик фаолияти”** кундузги ва сиртқи таълим йўналишларига **351** нафар талаба қабул қилинди;

**“Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш”** таълим йўналиши бўйича **287** нафар талаба ўқишни тамомлади, янги ўқув йилидан ушбу йўналишда **281** нафар талаба сўнгги 3-курсда ўқишни давом эттирмоқда.

**2024/2025** ўқув йилида **бакалавриатга 524** нафар талаба қабул қилинди.

Маълумот учун: **бакалавриатда 1 ўринга 20 та** номзод (ўтган йилда **15 та**)

Жорий ўқув йилидан бошлаб, **“Прокурорлик фаолияти”** йўналишида **иккинчи олий таълим шакли** йўлга қўйилди.

Академияда **дуал таълим шакли** 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб **синов** тариқасида жорий этилиши белгиланди.

Жумладан, Академиянинг битирувчи **3-курс талабалари** учун ўқишнинг **16 ҳафтаси** назарий таълим, яна **16 ҳафтаси** эса прокуратура, суд, ички ишлар органлари, божхона хизмати, Миллий гвардия, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюросида бевосита амалиёт ўташ тарзида олиб бориш режалаштирилган.

Бакалавриатнинг **1-курси** учун мўлжалланган модуллар **умумназарий** ва **фундаментал** бўлганлигини инобатга олиб, қўшимча амалий машғулотлар, **4 та** илмий мактаб ва **17 та** тўгарак воситасида **дуал таълимга** тайёрланмоқда.

Бакалавриятнинг **2-курс** талабалари учун *криминалистика лабораторияси, киберлаборатория, киберполигон, юридик клиника, тергов полигони, суд-тиббий экспертиза хонаси, суд имитацияси зали, рақамли криминалистика лабораторияси, сўроқ қилиш ва таниб олиш полигони, ўқотиш комплекси, "102" навбатчилик қисмида навбатчиликни ташкил этиш* ва шу каби **10 дан ортиқ** қўшимча воситалар ҳамда **сайёр тадбирлар** ёрдамида ўқув режадаги семинар машғулотларининг аксарият қисми амалий машғулотлар шаклида олиб борилди.

### **МАГИСТРАТУРА**

Магистратуранинг **“Прокурорлик фаолияти”, “Тергов фаолияти”, “Коррупцияга қарши курашиш”, “Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ”** ва **“Прокурорлик фаолияти”** (сиртқи) мутахассисликлари бўйича жами **313** нафар тингловчига таҳсил олмоқда.

**2024 йилда** таълимнинг кундузги ва сиртқи шаклини тамомлаган **139** нафар тингловчига **“ҳуқуқ магистри”** академик даражаси берилди.

**2024/2025** ўқув йилида **магистратурага 206 нафар** тингловчи қабул қилинди. *Маълумот учун: магистратурада 1 ўринга 60 та номзод (ўтган йилда 34 та)*

Жорий ўқув йилидан бошлаб, **“Прокурорлик фаолияти”** мутахассислигида **кечки таълим шакли** йўлга қўйилди.

**2025/2026** ўқув йилидан **“Киберҳуқуқ”** йўналиши бўйича магистратурани ташкил этиш **режалаштирилган**.

### **ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ:**

2024 йил давомида **54** та малака ошириш курслари ўтказилиб, жами **2 514 нафар** ходимнинг (*прокуратура - 1234, Департамент - 404, МИБ - 420, ИИБ - 426, ДХХ - 30*) малакаси оширилди.

Президентнинг 2024 йил 5 июндаги ПҚ-210-сон қарорига мувофиқ, **“Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш”** мавзусида **22 минг** нафардан ортиқ давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ўқитилиб, **сертификат** берилди.

**Прокуратура, ИИБ, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти** хизмат ўтаётган **133** нафар **суриштирувчи, терговчи ва бошқа раҳбар кадрлари** касбий қайта тайёрлаш курсида ўқитилиб, **диплом** берилди.

Бакалаврият ва магистратуранинг ўқув жараёни Кредит тўплаш ва кўчиришнинг Европа тизими (*European Credit Transfer and Accumulation System (ECTS)*) негизида ишлаб чиқилган таълимнинг **кредит - модуль**

**тизими** асосида амалга оширилмоқда. Ўқув жараёнида **барча назорат турларини электрон ўқув портали** орқали **инсон омилисиз** ташкил этиш ва баҳолашнинг шаффоф механизми йўлга қўйилди.